

ШАРТНОМА
МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТҮГРИСИДА

09«12» 2022 yil.

208-12-217-MT/2022-son

"Хива Улгуржимевасабзавот МЧЖ" бундан буён матнда «Сотувчи» деб аталувчи номидан раҳбари К.Ибрагимов фаолиятини амалга низом асосида оширувчи бир томондан ва **Хива шахар МТБ (Марказлашган)** бундан буён матнда «Харидор» деб аталувчи номидан раҳбари Г.Мадримова фаолиятини низом асосан кўрсатувчи, иккинчи томондан, биржа электрон савдоси натижаларига кўра куйидагилар тўғрисида ушбу шартн омани тузишиди.

1. Шартнома предмети:

1.1. «Сотувчи» ва «Харидор», кейинчалик номланадиган томонлар, биржа электрон савдоси натижаларига кўра, куйидагича шартнома бўйича «Харидор» тўлангандан кейин махсулотни кабул киласи, «Сотувчи» ўзига тегишли махсулотларни куйидагича курсатилган шартлар бўйича етказиб беради:

№	Махсулот номи	Ўлч. бирлиги	Сони	Харидорнинг бошлангич нархи	Келишилган баҳо (сотув баҳоси)	Шартнома-нинг умумий қиймати (сотув суммаси)	Махсулот таснифи: товар белгиси, товар параметри, фирманинг номи, ГОСТ ва бошка параметрлари
1	Гуруч	кг	3800		7500	28 500 000	
2	картошка	кг	21680		3600	78 048 000	
3	Сабзи	кг	7440		1680	12 499 200	
4	Пиёз	кг	7490		2625	19 661 250	
	Жами					138 708 450	
	Транспорт хизмати қиймати						
	Транспорт хизматини хисобга олинган максимал бошлангич баҳоси (лотнинг умумий қиймати)						

1.2. Шартноманинг умумий қиймати **138 708 450** (бир юз ўттиз саккиз миллион етти юз саккиз минг тўрт юз эллик) сўмни ташкил киласи.(еузуб билан езилади)

2. Товар етказиш ва тўлов шартлари:

2.1. «Харидор» «Сотувчи»нинг хисоб-рақамига конунчилигига асосан шартномада кўрсатилган махсулот микдори суммасининг 30 фоизини олдиндан 3 банк иш кунида шартнома тегишли газначилик булинмаларида руйхатдан утказилгандан кейин ўтказишни ўз зиммасига олади. Қолган 70 фоизи махсулот тўлиқ етказиб

берилгандан кейин хисоб вараги (хисоб китоб далолатномаси ва х.к.) хужжатларига асосан 20 банк иш кунида ўтказишни ўз зиммасига олади.

2.2. «Сотувчи»нинг хисоб ракамига олдиндан тулов туширилгандан кейин З иш кунида маҳсулотни етказиб беришини ўз зиммасига олади.

2.3. «Харидор» маҳсулотни олган пайтида «Сотувчи»нинг иштирокида олинаётган маҳсулотни бутлиги ва сифатини текшириши шарт.

2.4. Маҳсулотнинг етказиб берилиши (узи хисобидан ёки харидорнинг ешигигача етказиб бериш) ўз хисобидан етказиб бериш шарти билан амалга оширилади.

3. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

3.1. «Харидор »нинг ҳуқуқлари:

3.2. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотни ўз вақтида ва сифатли етказиб беришни «Сотувчидан»дан талаб қилишга;

3.3. «Сотувчидан»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

3.4. «Сотувчининг»нинг ҳуқуқлари:

3.5. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулот учун олдиндан хақ тўлашни ва амалдаги шартнома ва қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибида хисоб-китобларни амалга оширишни «Харидор»дан талаб қилишга;

3.6. «Харидордан»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, етказиб берилган маҳсулотни қабул қилишда асосиз равиша рад қилиш натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

3.7. «Харидор» мажбурияти:

3.8. Маҳсулот қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва қонунчилик хужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида маҳсулотни қабул қилиб олиш;

3.9. Тегишли даражада сифатли бўлмаган маҳсулот аниқланганда бу хақда далолатнома ёзиб «Сотувчи»ни огохлантириш.

3.10. Маҳсулотнинг баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлаш.

3.11. «Сотувчи»нинг мажбурияти:

3.12. Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидорга»га маъхсулотни етказиб бериш;

3.13. Тегишли даражада сифатли кўрсатилмаган (бажарилмаган) маҳсулот тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бажарилмаган маҳсулотни 1 кун ичида қайтадан бажарив бериш ёки ушбу шартноманинг 1.2-бандига асосан сифатли бажарилмаган маҳсулот баҳосини қайтариб бериш.

4. Тарафларнинг жавобгарлиги:

4.1. Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни талблари доирасида жавобгар бўладилар.

4.2. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечикириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, Сотувчи Харидорга кечикирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар

баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечикириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.3. Агар етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонунчиликда ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи товарларни (ишларни, хизматларни) қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, сотувчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар ва хизматлар) қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар (ишлар ва хизматлар) ҳаки тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.

4.4. Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун харидор сотувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5. Томонларнининг коррупсияга қарши курашиш бўйича мажбуриятлар:

5.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупсияга қарши бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиш лозим. Томонлар ушбу харакатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилиниши кафолатлайди.

5.2. Томонлар коррупсияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганда дархол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган холда ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изоҳ талаб қилиш хуқукига эга ва мурожаатни олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушинтириш бериш ёки ўз фикрини билдириш мумкин.

5.3 Мазкур бобнинг талаблари бажарилмагандан, шу жумладан белгиланган муддатда коррупсион хавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупсион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш укукуга эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

6. Низони ҳал қилиш тартиби:

6.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

6.2. Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди орқали ҳал қилинади.

7. Форс-мажор ҳолатлари:

7.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2005 йил 15 февралдаги “Енгид булмас куч (форс мажор) ҳолатларини тасдиқлаш механизмини амалга киритиш тўғрисида”ги 63-сон қарорига асосан хеч бир тараф иккинчи тараф

олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас.

8. Алоҳида шартлар:

- 8.1.** Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.
- 8.2.** Мазкур шартномага барча ўзгартериш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.
- 8.3.** Харидор билан сатувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартеришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.
- 8.4.** Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конунчилик хужжатлари нормалари қўлланилади.
- 8.5.** Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

9. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари

«СОТУВЧИ»

"Хива Улгуржимевасабзавот МЧЖ"

Манзили Хива ш. Буюк йўл №9
Тел.: 9989997331150 факс
СТИРи 200210176
Х/раками 20208000200437393001
Банк номи Кишлок курилиш банки
МФО 00576 ОКОНХ



Рахбар: Мадримова К.Ибрагимов

«ХАРИДОР»

Хива шахар МТБ(Марказлашган)
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил _Хива шахар А.Темур 31уй
Тел.: 62-226-20-22 Факс: 62-226-20-21
Харидорнинг СТИРи 305153644
Харидорнинг ОКОНХи 84113
Харидорнинг ғазначиликдаги ШХВ:
100022860334067091100251015+
400522860334067091100251017
Молия вазирлиги Ғазначилиги_____
ЕКС (Единый Казначейский счет):
23402000300100001010
Банк номи Марказий Банк Тошкент
МФО 00014
Ғазначилик бўлинмасининг СТИРи 201122919

Рахбар: Мадримова



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

HY7387312827

- 1. Loyihaning turi** : Shartnoma
- 2. Loyihaning nomi**: Mahsulot etkasib berish to'g'risida
- 3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot**: Xiva shaxar Maktabgacha ta'lif bo'limi tomonidan 05.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Xiva shahar yuridik
markazi
bosh yuristkonsulti:**



U.O.Babayev

06.12.2022